



## ГИЁХВАНДЛИК ВА УНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

<sup>1</sup>Икромов Хабибулло Боқиевич

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Наманган академик лицей курс раҳбари (истефодаги подполковник),

<sup>2</sup>Чубоева Гулнорахон Кувончбековна

Наманган вилоят Янгиқўрғон туман ИИБ ЖХХ ХПБ Хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектор. Подполковник.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7514691>

### ARTICLE INFO

Received: 28<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 08<sup>th</sup> January 2023

Online: 09<sup>th</sup> January 2023

### KEY WORDS

Наркоман, морфинизм,  
опийсимон модда,  
гашишомания, халқ,  
нашавандлик, бангилик,  
марихуана, чекиш, одат,  
наша, банг, истеъмол,  
кокоин, героин, синтетик  
наркотик модда, қабул  
қилиш, кайф берувчи,  
ишқибозлик, мойиллик, маст,  
психотропик.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада ҳар бир даврнинг иллати эканлиги, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатни бузишга олиб келиши ҳақидаги масала ёритилган. Гиёҳвандлик ва унинг турлари илмий таҳлил этилган. Инсоният гиёҳвандликдан зара кўриши, қавму қариндошидан, гулдай фарзандларидан, умр йўлдошидан ажралиб қолаётгани, улардан аксар ҳолларда майиб-мажруҳ фарзандлар туғилаётгани, гиёҳвандлик жиноят эканлиги, эътиқодимиз асосларида ҳам гиёҳвандлик таъқиқланганлиги тўғрисида ёзилган.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев парламентимизваҳалқимизга мурожаат қилар экан, -“Ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз — бугун инсоният ниҳоятда мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Ер юзида иқлимнинг кескин ўзгариши, сув ва бошқа табиий ресурслар камайиши билан боғлиқ муаммолар катта хатарларга айланмоқда<sup>1</sup>”-деб таъкидлади. Дарҳақиқат, ушбу мураккаб даврда атроф муҳитимиздаги, жамиятимиздаги муаммолар ва инсониятни таҳликага солувчи гиёҳвандлик муаммолари келажак учун хавф солмоқда.

Инсоният учун бу–ўта ижтимоий хавфлидир.

Яширишнинг ҳожати йўқ. Ҳаётимизда уларнинг ҳаммаси билан ҳам у ёки бу тарзда рўбарў келиб турибмиз.

Келажак авлод бу иллатни ўз ҳаёти учун хавфли эканлигини тушуниши учун биз илмий, оммавий ахборот воситалари орқали уларни огохликка чорлашимиз шарт.

Ушбу иллат борасида айрим мулоҳазалар ва тушунчалар билан танишамиз.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz>



Наркомания, яъни наркотик моддаларга ружу қўйиш ҳолати асримиз вабосига айланди. Одатда қонун бўйича наркотик эканлиги таъкидланган модда ёки дориворларни тиббий кўрсатмасиз қабул этиш ҳолати наркомания дейилади. Бугунги кунда наркоманиянинг кўплаб турлари мавжуд эканлиги қайд этилмоқда:

- морфинизмда опийсимон моддалар ҳисобланувчи, табобатда оғриқни қолдириш ва наркоз учун қўлланиладиган дориворларга ружу қўйилади;

- гашишомания халқ орасида нашавандлик, бангилик ҳам дейилади. Бунда марихуана наркотик моддасини чекиш одат қилинади. Наша, банг ҳам дейилувчи бу моддани гоҳида наркоманлар чайнаш ёки ичимликларга қўшиб истеъмол қилишлари ҳам мумкин;

- кокаиномания – кокаин (ёки героин) каби синтетик наркотик моддалар қабул қилинадиган ўта хатарли, тезда ўргатиб қўювчи наркомания тури ҳисобланади. Кокаин моддаси томир ичига юборилиши ёки кукуни ҳидланиши ёки ичга тортилиши мумкин. Бу одатларнинг интиҳоси фожиаи эканлигини асло унутмаслик лозим.

Гиёҳвандлик – инсоннинг гиёҳванд моддага ўрганиб қолишига айтилади. Гиёҳвандлик Аллох таоло инсонга ато этган жон, жисм ва ақл неъматларининг заволи бўлиб, Аллохнинг яратиш хикмати ва иродасига зид хатти-харакатдир. Гиёҳвандлик - бу бангилик, оғир хасталиқдир, яъни у ёки бу наркотик моддаларга ёки кайф берувчи моддаларга ишқибозлик ва мойиллик хосил қилишдир, яъни инсон уз ихтиёри билан миясини захарлайди. Натижада ушбу ўта гуноҳ ва нотўғри йўлга қадам қўйган шахс ўзининг одамийлик қиёфасини йўқотади, ўзининг олийжаноб инсонийлик кўринишидан жудо бўлади. Рухан носоғлом ҳолга келади, касб-хунаридан маҳрум бўлиб қолади, оқибатда жиноий ишларга қўл уради, ўғрилик қилади, ўзига ҳам бошқаларга ҳам бахтсизлик келтириб чиқаради. Гиёҳвандликка мубтало бўлган киши атроф-мухитда бўлаётган воқеаларга бепарво бўлиб қолади. Унинг гирдобига тушган бемор нафақат ўз яқинлари балки юртини ҳам танимайдиган манқуртга айланади. Мана шунинг ўзиёқ гиёҳвандликнинг нақадар тубанликка олиб боришини англатади.

Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш муаммоси аллақачон тор, миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун жаҳон жамоатчилигининг чуқур ва амалий эътибори талаб қилинадиган энг муҳим муаммолардан бирига айланди. Шунинг учун ҳам, гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда ўтказиш халқаро тусдаги жиноят бўлиб, унга қарши курашиш бир қатор халқаро конвенциялар асосида олиб борилмоқда. Гиёҳвандлик моддалари ҳақидаги ягона конвенция (1961 й.), психотроп моддалар ҳақидаги Вена конвенцияси (1971 й.), ва БМТнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда айланишига қарши кураш ҳақидаги конвенцияси (1988 й.) шулар жумласидандир.

Кейинги вақтда мамлакатимиз бу муаммонинг халқаро миқёсда ҳал этилиши жараёнида фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистоннинг йигирмадан ортиқ мамлакатлар билан гиёҳвандлик моддаларини тарқатишга қарши кураш масалаларида ҳамкорлик бўйича идоралараро ва ҳукумат даражасида битимларга имзо чекилган.

Инсон ҳаётда яшар экан, яхшиликка интилиб, ёмонликдан қайтиб яшашга ҳаракат қилади, лекин “яхшилик” ва “ёмонлик” тушунчаларига ҳар ким ҳар хил таъриф



беради. Баъзилар яхши деб ҳисоблаган ишлар бошқалар наздида ёмон, ёки аксинча бўлади. Ислон дини таълимотида нимаки яхши деб буюрилган бўлса, у яхши, нимаки ёмон деб қайтарилган бўлса ўша нарса ёмондир. Динимиз аҳқомлари инсонни дини, жони, ақли, насли ва саломатлигига, умуман айтганда, ҳаётига зарар етказишга сабаб бўлувчи барча нарсаларни ёмон деб ўша нарсалардан қайтарган, қайтарибгина қолмасдан, балки ҳаром деб эълон қилган. Булардан бири гиёҳванд моддалардир. Зеро, гиёҳвандлик инсоният келажагининг кушандасидир. Аллоҳ таоло “Аъроф” сурасининг 157-оятда : “... У (Пайғамбар) уларни (инсонларни) яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади...”, деб марҳамат қилади.

Ҳадиси шарифда: “Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаром”, дейилади. Яна бир бошқа ҳадисда: “Ҳар ким ўзини-ўзи заҳар билан ўлдирса, қиёмат куни жаҳаннам ўти билан азобланади”, дейилган.

Баъзи инсонларнинг “оят ва ҳадисларда гиёҳванд моддалар номи келтирилмаган-ку?”, деган саволларига айтамикки, бу ҳам бўлса Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг мўъжизаларидан бири бўлиб, у зот ўзларидан кейинги инсонларнинг молига, жонига ва ҳатто наслига ҳам зарар келтирувчи иллатларнинг умумий хусусиятини бир сўз билан ифода қилиб: “Ҳар қандай маст қилувчи ва баданни бўшаштирувчи нарсалар ҳаром”, деб марҳамат қилганлар. Маълумки, гиёҳванд моддалар нима деб аталишидан қатъи назар, уларда маст қилишлик ва баданни бўшаштиришлик сифати топилади.

Аллоҳ таоло инсонларнинг ўз жонига қасд қилмасликларига, шунингдек, ўзгаларнинг ҳам қонларини ноҳақ тўкмасликка буюради. Гиёҳванд эса охир-оқибатда ўлимга олиб келадиган моддаларни истеъмол қилишлик билан ўз жонига қасд қилган бўлади. Ҳадиси шарифда “Ҳар ким ўзини бирон нарса билан ўлдирса, қиёмат куни дўзахда унга ўша билан азоб берилади”, дейилади. Гиёҳвандликка сарф этиладиган харажатлар шахсга ҳам, жамиятга ҳам иқтисодий зарар келтириши билан бирга, у исрофгарчиликка киради. Бу моддаларни истеъмол қилишлик мол-дунё ва бойликни исроф бўлишига олиб келади.

Исроф эса Қуръони карим ва ҳадиси шариф ҳукми билан ҳаром қилинган бўлиб, у инсонни хор-зорликка элтади.

Гиёҳванд моддаларни зарарларини замонамиздаги илмий тараққиётлар ҳам исботламоқда. Бу моддаларни истеъмол қилувчилар аста-секин оғир касалликларга йўлиқишлари ва ички аъзоларида тузатиб бўлмас оғир хасталиклар пайдо бўлиши шулар жумласидандир. Гиёҳванд моддалар киши меъдаси, жигар фаолиятига салбий таъсир қилади, ўпкасини ишдан чиқаради. Шунингдек, у инсон асабига ва шу орқали инсонда кўриш, эшитиш, ҳид билиш, фикр юритиш, иссиқ-совуқни, қаттиқ-юмшоқни, ширин-бемазани сезиш хусусиятлари йўқолишига олиб келади.

Жамиятга етказадиган зарарлари эса беҳад кўп бўлиб, гиёҳванд кимса аввало ўзига, сўнг оиласи, касби ёки ўқишига нисбатан қизиқиш, аҳамият ва парво ҳислари қолмайди. Айниқса, ишлаб чиқаришда тараққиётнинг асосий кучи бўлмиш ёшларнинг гиёҳвандликнинг биринчи навбатдаги қурбони бўлиши жуда ҳам аянчли холдир.



Гиёҳвандлик шахс ва жамият ўртасидаги муносабатни бузишга олиб келади. Дарҳақиқат, буни бугунги ҳаётимизда ҳам тез-тез учратиб турамыз. Гиёҳвандлик кишилар қавму қариндошидан, гулдай фарзандларидан, умр йўлдошидан ажралиб қолаётгани, улардан аксар ҳолларда майиб-мажруҳ фарзандлар туғилаётгани ҳаётда учраб турган ҳақиқатдир.

Гиёҳванд моддалар ҳаром бўлгач, уни сотиш ҳам, тижорати ҳам, олинган фойдаси ҳаром ҳисобланади.

Гиёҳвандлик ва психотропик моддалар, кучли таъсир этувчи ва ақлни ўғирловчи моддалар сунъий тайёрланган моддалар ёки табиий етиштирилган ўсимликлар ёхуд уларнинг қисмлари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси ва Халқаро шартномаларга мувофиқ назорат қилиниши керак бўлган, гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш бўйича комиссия томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган моддалардир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 272-моддасига кўра мувофиқ, гиёҳвандлик воситалари ёки психотропик моддаларини қонунга хилоф равишда ўтказиш – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотропик моддаларни озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказиш – ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёҳвандлик - хотирани сусайтиради, бош, юрак, сил, хасталикларини юзага келтиради, бевақт ўлим ҳолатлари, мажруҳ, ақли ноқис фарзандлар туғилади, бундан ташқари, бу зарарли иллат инсонни ўта ялқов, камғайрат, оилага бепарво, ҳамиятсиз, жинсий заиф қилиб қўяди, кўзни хиралаштиради, тишларни тўкиб юборади, киши меъдаси, жигар фаолиятига салбий таъсир қилади, ўпкасини ишдан чиқаради. Шунингдек, у инсон асабига ва шу орқали инсонда кўриш, эшитиш, ҳид билиш, фикр юритиш, иссиқ-совуқни, қаттиқ-юмшоқни, ширин-бемазани сезиш хусусиятлари йўқолишига олиб келади.

Инсон ҳаётда яшар экан, яхшиликка интилиб, ёмонликдан қайтиб яшашга ҳаракат қилади, лекин “яхшилик” ва “ёмонлик” тушунчаларига ҳар ким ҳар хил таъриф беради. Баъзилар яхши деб ҳисоблаган ишлар бошқалар наздида ёмон, ёки аксинча бўлади. Исломи дини таълимотида нимаки яхши деб буюрилган бўлса, у яхши, нимаки ёмон деб қайтарилган бўлса ўша нарса ёмондир. Динимиз аҳкомлари инсонни дини, жони, ақли, насли ва саломатлигига, умуман айтганда, ҳаётига зарар етказишга сабаб бўлувчи барча нарсаларни ёмон деб ўша нарсалардан қайтарган, қайтарибгина қолмасдан, балки ҳаром деб эълон қилган. Булардан бири гиёҳванд моддалардир. Зеро, гиёҳвандлик инсоният келажагининг қушандасидир. Қуръоннинг “Аъроф” сураси 157-оятда : “... У (Пайғамбар) уларни (инсонларни) яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади...”, деб марҳамат қилади.

Ҳадиси шарифда: “Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаром”, дейилади. Яна бир бошқа ҳадисда: “Ҳар ким ўзини-ўзи заҳар билан ўлдирса, қиёмат куни жаҳаннам ўти билан азобланади”, дейилган.

Баъзи инсонларнинг “оят ва ҳадисларда гиёҳванд моддалар номи келтирилмаган-ку?”, деган саволларига айтамызки, бу ҳам бўлса Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва



саллам)нинг мўъжизаларидан бири бўлиб, у зот ўзларидан кейинги инсонларнинг молига, жонига ва ҳатто наслига ҳам зарар келтирувчи иллатларнинг умумий хусусиятини бир сўз билан ифода қилиб: “Ҳар қандай маст қилувчи ва баданни бўшаштирувчи нарсалар ҳаром”, деб марҳамат қилганлар. Маълумки, гиёҳванд моддалар нима деб аталишидан қатъи назар, уларда маст қилишлик ва баданни бўшаштиришлик сифати топилади.

Ислом инсонларнинг ўз жонига қасд қилмасликларига, шунингдек, ўзгаларнинг ҳам қонларини ноҳақ тўкмасликка буюради. Гиёҳванд эса охир-оқибатда ўлимга олиб келадиган моддаларни истеъмол қилишлик билан ўз жонига қасд қилган бўлади. Ҳадиси шарифда “Ҳар ким ўзини бирон нарса билан ўлдирса, қиёмат куни дўзахда унга ўша билан азоб берилади”, дейилади. Гиёҳвандликка сарф этиладиган харажатлар шахсга ҳам, жамиятга ҳам иқтисодий зарар келтириши билан бирга, у исрофгарчиликка киради. Бу моддаларни истеъмол қилишлик мол-дунё ва бойликни исроф бўлишига олиб келади.

Ёшларни гиёҳвандлик иллатидан халос этишда зарурий нормалар ишлаб чиқиши, нормаларни ҳаётга тадбиқ этиш механизмини шакллантириш, тарбия воситалари ва усулларини қўллаш, бу борада ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ёшларга тарбия бериш билангина турли иллатлардан халос этиш мумкин. «Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади».

Гиёҳвандлик балосидан келажак авлодни халос этиш, юртимиз ободлиги, шунингдек, халқимизнинг моддий ва маънавий фаровонлиги йўлида қилаётган хайрли ишларимиз бардавом бўлсин.

## References:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz>
2. “Гиёҳвандлик аср вабоси” muslim.uz - Июнь 21, 2016
3. Muslim.uz <http://old.muslim.uz> item.
4. Chuboyeva Ozodaxon. НИГИЛИЗМ-ҲУҚУҚИЙ ОНГ, ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ХАВФЛИ ОМИЛИ. TÜRKIYE Uluslararası Bilimsel-Çevrimiçi Konferans THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH: a Uluslararası bilimsel çevrimiçi konferansın bilimsel çalışmalarının toplanması (31Mayıs 2022) – Türkiye, İstanbul : "CESS", 2022. Bölüm 5, Sayı 1 – 417 s 68-73
5. Chuboyeva Ozodaxon . Абу Бакр Касаний и его трудов в педагогике. Научный журнал. Учёный XXI ВЕКА.2020 год ISSN 2410-3586 .85-89 .
6. Chuboyeva Ozodaxon. The importance of “Kazilik adabi” in Abu Bakr Kasani’s work “ Badoi-us-sanoe” International Scientific Journal ISJ Theoretical& Applied Science Philodelphia, USA issue 01, volume 81 published January 30, 2020